

Хушхабар: «Сиз бизга доим кераксиз» ва «Меҳрдан завқланинг» тадбири ўтказилди



15:30 / 01.12.2021 2336

Бугун, 1 декабрь чоршанба куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг конференц залида имконияти чекланган юртдошларимизнинг савдо кўргазмалари ташкил этилди. Ушбу кўргазма «Сиз бизга доим кераксиз» шиори остида бўлиб, унда имконияти чекланган кишилар томонидан тайёрланган ҳар хил уй жиҳозлари, болалар учун ўйинчоқлар, қизларимизга чиройли соч турмаклари, махсус совғалар, қалпоқчалар, жойнамоз, лавҳ, тасбеҳлар қўйингки, ўзлари тайёрлаб келган маҳсулотларининг савдоси бўлиб ўтди. Уларнинг имкониятлари чекланганига қарамай, ажойиб, кишини кўзини қувнатадиган маҳсулотлари биз соғлом инсонларга ибрат намунаси бўлди десак муболаға бўлмайди. Пешин намозидан сўнг масжид имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид йиғилган жамоатга имконияти чекланганлар

ҳақида қисқа бўлсада, ибратли мавъиза қилиб бердилар. Мавъизадан кўнгиллари роҳатланган юртдошларимиз кўргазмага ташриф буюриб, имконияти чекланган азизларимизга ўз яхшиликларини, ҳадяларини, улар олиб келган маҳсулотларини ўз нархидан ҳам қийматроқ нархда савоб умидида меҳр кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Аллоҳ таоло савоб умидида қилган эҳсонларини мақбул айласин.

Яна бир хушxabар!

Пойтахтимизнинг марказида жойлашган «Мумтоз» тўйхонасида «Меҳрдан завқланинг» шиори остида «Меҳр 2020» томонидан тадбир ташкиллаштирилди. Ушбу тадбирга улуғ устоз шайх Абдулазиз Мансур, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Саййид Раҳматуллоҳ Термизий домла, Исоқжон домла Бегматов, Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Аброр Мухтор Алий домла, аҳли илмлар ва бошқа меҳрга илҳақ қалблар, азизлар ташриф буюришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким етимни кафиллигига олса ва уни ўз таомига шерик қилса, ғамхўрлик кўрсатса, у одам, албатта, жаннатга киради»**, дедилар. *(Имом Муслим ривояти).*

Устозларимиз, домлаларимиз ушбу тадбирда етимнинг ҳаққи, унга яхшилик қилиш, меҳр кўрсатиш, бундай савоб ишларда мусобақалашиб каби мавзуларда мавъизалар қилиб бердилар. Тадбирга ташриф буюрган кўнгли ўксик, муҳтожларга чиройли дастурхон безатилиб, ҳадялар улашилди. Тадбир жараёнида нашидалар айтилди, қалбларга сурур бағишланди. Устозларимиз тадбир сўнгида хайрли дуолар қилдилар.

Маълумотларга кўра, Фарғона, Қўқон, Наманган вилоятларида етимхоналар ёпилгани ва бундай хайрли ишлар давом этаётгани хабари берилди.

Аллоҳ таоло хайрли ишларни бардавомли қилсин!